

Талабалар Муқимий театрида

Ўзбекистон Республикаси Президенти 5 муҳим ташаббусининг биринчи ташаббуси доирасида жорий йилнинг 2 февраль куни институтимизнинг 300 га яқин фаол талабалари пойтахтимизда жойлашган "Муқимий" номидаги мусиқали театрга ташриф буюришди. Талаба-ёшларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни театр, мусиқа ва санъатга бўлган қизиқишиларини янада ошириш ташрифдан кўзланган мақсад эди. Ташириф давомида талабаларимиз театр биноси билан яқиндан танишдилар. Театр фойеси ва залларининг миллий аъаналаримизга хос тарзда безатилгани, нақшинкор деворлар ва устунларнинг бинога ўзгача кўрк ва тароват бериб тургани уларда ҳайратланиш ҳиссини уйғотди. Шунингдек, талабалар Абдулла Қодирий қаламига мансуб "Ўтган кунлар" романи асосида саҳналаштирилган "Отабек ва Кумушбиби" спектаклини мароқ билан томоша қилишди ҳамда олам-олам таъсуротлар олишди.



ТИҚҲММИ матбуот хизмати